

Эй Аллоҳнинг расули

09:00 / 04.10.2017 3054

Абу Исҳоқ Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бу киши жаннатга кириши башорат қилинган Ашараи мубашшаранинг биридирлар.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳажжату вадоеъ йилида, касалим кучайганда, зиёрат қилгани ҳузуримга келдилар. Шунда мен: “Эй Аллоҳнинг расули, кўриб турганингиздек, дардим роса авжига минди. Ўзим бадавлат кишиман. Битта қизимдан бошқа меросхўрим йўқ. Молимнинг учдан икки қисмини садақа қилаверайми?” десам, у зот: **“Йўқ”**, дедилар. “Эй Аллоҳнинг расули, ярминичи?” десам, у зот яна: **“Йўқ”**, дедилар. “Эй Аллоҳнинг расули, учдан бириничи?” десам, у зот: **“Учдан бири! Учдан бири ҳам кўпдир (ёки каттадир). Сен ўз меросхўрларингни бадавлат қолдириб кетишинг, одамлардан тиланадиган камбағал қилиб қолдиришингдан яхшидир. Аллоҳнинг розилигини истаб қилган нафақанг борки, унга албатта ажр оласан, ҳатто аёлингнинг оғзига солиб қўйган нарсанг учун ҳам»**, дедилар. Шунда мен: «Эй Аллоҳнинг Расули! Дўстларимдан қолиб кетаманми?» дедим. У зот: **«Сен қолиб, бирон солиҳ амал қилсанг, у туфайли даражанг ва мартабанг албатта ортади. Шояд, ортда қолсанг-да, кейин сендан бир қанча одамлар манфаат олса, бошқалар (душманлар) эса сен сабабли зарар тортса. Аллоҳим, асҳобларимнинг ҳижратини давомли қил ва уларни ортларига қайтариб юборма! Лекин бечора Саъд ибн Хавла...»** дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга Маккада вафот этгани учун ачинаётган эдилар».

Муттафақун алайҳ.